

ISSN 2181 - 7286

4/2023

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР



ISSN 2181-7286

4/2023

Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар

Тошкент – 2023

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

Исақова З.Р., Тожибоева М.Т. Ирфоний билимлар хазинаси.....	6
To‘roqulova R.I. Ilmiy tafakkur tarzida kognitivlik muammosi.....	13
Qodirov D.H. Қушайрийнинг “Нахв ул-кулуб” рисоласида ахлоқ масаласи.....	17
Рахмонов Д.А. Ҳарбий-касбий муносабатлар тизимида дўстлик ва жанговар ўртоқликнинг функционал аҳамияти.....	24
Axmedov F.Sh. Kurash usullari tasnifini takomillashtirish.....	31

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Avlayev O.U. Shaxsni kasbiy kamolotiga ijtimoiy intellektning ta’sir xususiyatlari.....	36
Aytbaev D.T. Yangi natijalarga qaratilgan ta’lim.....	44
Назаров М. Ҳозирги замон ёшлар онгида техник ижодкорликни шакллантиришда инновацион методларнинг ўрни.....	48
Худойкулова Ж. Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатга ўргатиш орқали табиатни севишга бўлган туйғуларини шакллантиришнинг илмий аҳамияти....	54
Ёрқулов Ҳ.О. Ахборотлашган жамият ва миллий интеллектуал салоҳиятни ошириш имкониятлари.....	58
Кодирова Ф.Т. Компьютер графикаси фанини ўқитиш асосида талабаларнинг ижодий-лойиҳалаш қобилиятларини ривожлантириш методикаси.....	65
Шойимова Ш.С. Влияние эмоционального интеллекта на деятельность педагогов высших медицинских учебных заведений.....	70

ИҚТИСОД

Won IL Hyoung Experience of social entrepreneurship’s development in the Republic of Korea.....	77
Xamidov E., Madaminov A. Ishchi kuchi migratsiyasining hududiy va mintaqaviy xususiyatlari.....	83
Закирова Г.М. Аёллар касаначилигини ривожлантириш механизмига таъсир этувчи ташкилий-иқтисодий омиллар ва уларни баҳолаш.....	91
Очилов А.О., Суюнов Ж.М. Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари.....	96
Сафарова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар рақамлашувида рақамли саводхонликни такомиллаштиришнинг аҳамияти.....	102
Xamidov E., So‘fiyev R. Mehnat migrantlarining ichki va tashqi mehnat bozorlaridagi harakat yo‘nalishlari trendlari.....	109
Turaeva E.F. Understanding trends in non-standard employment around the world.....	118
Asraqulov A. Turizm sohasi barqaror rivojlanishining tizimli tamoyillari.....	124
Chilmatova D. Sug‘urta tashkilotlarining moliyaviy hisoboti va sug‘urta tashkilotini auditorlik tekshiruvidan o‘tkazish tartibi.....	133
Vaxobov SH. V. Sanoat korxonalarida energiya tejamkor resurslardan foydalanib ishlab chiqarish samaradorligini oshirish.....	139

Жўраева Н.Қ. Ёғ-мой корхоналари бошқарув самарадорлигини оширишда хомашё ресурсларининг ўрни ва аҳамияти.....	144
Ҳаққулов Ф.Ф. Худудлар меҳнат бозорига юқори малакали кадрларнинг “кечикиб” етказиб берилиши муаммолари.....	151
Аллаева Г.Ж. Актуальные направления повышения энергетической безопасности Республики Узбекистан.....	159
Хасанова З.Т. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорликнинг хусусиятлари.....	168
Адилов С.Р. Ўзбекистон ва жаҳон олий таълим муассасаларида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш шакллари.....	174

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган, 2007 йил 22 январь, № 0205 сонли гувоҳнома

ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика бўлими 2019 йил 29 июндан, Тарих, Фалсафа, Психология бўлимлари 2022 йил 30 ноябрдан, киритилган.

Журнал зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 22 января 2007 года, свидетельство № 0205

ISSN 2181-7286. С 1 января 2019 г. журнал включен в перечень ВАК экономического отдела, с 29 июня 2019 г. – в перечень отдела педагогики, с 30 ноября 2022 г. – в перечень отделов истории, философии и психологии.

The journal was registered by the Press and Information Agency of Uzbekistan, January 22, 2007, certificate No. 0205

ISSN 2181-7286. The part of of Economy has been included in the list of Higher Attestation Committee since January 1, 2019, the part of Pedagogy since June 29, 2019, and the parts of History, Philosophy, and Psychology since November 30, 2022.

такомиллаштириш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 287-модда).

4. Баҳромов А, Шарипов Ш, Набиева М. Табиатшунослик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2019.
5. Зиёмухаммадов Б. Экология ва маънавият. - Т.: Мехнат, 1997. - 104 б. 49.
6. Дмитриев Ю. Табиат мўжизалари. Тошкент. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети. “Ёш гвардия” нашриёти. 1988 й
7. Исакулова Н.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг илмий педагогик асослари. Пед.фан.номз. дисс. – Тошкент, 2006. –186 б. 50.
8. Исматов И.Ш. Ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш (Анорганик кимё таълими мисолида). Пед. фан. ном дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б
9. Пўлатова Х.М. Табиатшуносликни ўқитиш махсус методикаси. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Адабиёт жамғармаси. Тошкент -2006.
10. Ғуломов П, Мирзахматова Ш. Атрофимиздаги олам. Умумий ўрта таълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2018.

УДК:316.3

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ВА МИЛЛИЙ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

ИНФОРМАЦИОННОЕ ОБЩЕСТВО И ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА

THE INFORMATION SOCIETY AND THE OPPORTUNITIES FOR INCREASING THE NATIONAL INTELLECTUAL POTENTIAL

Ёркулов Х.О. (Сиёсий фанлар номзоди, доцент ТКТИ)

Мақолада жамият ҳаётининг ахборотлашуви хусусиятлари ва унинг миллий интеллектуал салоҳиятга таъсири очиқ берилади. Ахборотлашган жамиятнинг ахборот ва билимлар яратилиши, узатиш ва қабул қилиниши борасида яратаётган имкониятлари, миллий интеллектуал салоҳият олдида қўяётган талаблари таҳлил қилинади. Ахборот хавфсизлиги борасидаги билимларни ошириш, таълимга янгича ёндашув ҳақида хулосалар беради.

Калит сўзлар: ахборотлашган жамият, миллий интеллектуал салоҳият, ахборотлашган жамият имкониятлари, ахборотлашган жамият талаблари, ахборот хавфсизлиги, таълим сифати.

В статье раскрываются особенности информатизации жизни общества и ее влияние на национальный интеллектуальный потенциал. Анализируются возможности, создаваемые информационным обществом в плане создания, передачи и получения информации и знаний, требования, предъявляемые к национальному интеллектуальному потенциалу. Увеличение знаний об информационной безопасности позволяет сделать выводы о новом подходе к образованию.

Ключевые слова: информационное общество, национальный интеллектуальный потенциал, возможности информационного общества, требования информационного общества, информационная безопасность, качество образования.

The article reveals the features of the informatization of society's life and its impact on the national intellectual potential. The opportunities created by the information society in terms of creation, transmission and reception of information and knowledge, the demands placed on the national intellectual potential are analyzed. Increasing knowledge about information security, provides conclusions about a new approach to education.

Key words: information society, national intellectual potential, opportunities of information society, requirements of information society, information security, quality of education.

Бугунги кунда жамиятдаги, маданиятдаги, иқтисодиётдаги, ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар глобаллашув, ахборотлашган жамият, постиндустриал жамият, тўртинчи саноат инқилоби каби номлар билан аталмоқда. Умумий маънода дунёдаги ўзгаришлар қандай номланишидан қатъий назар техника ва технологиянинг тез суръатлар билан ривожланиши ва юқори бир босқичга келганлиги билан боғлиқ. Бу жараёнлар ривожланаётган миллий давлатлар учун янги имкониятларни очиб бериши билан бирга, миллий интеллектуал салоҳиятни ошириш, хавфсизлик масалаларини ҳал қилиш, миллий кадриятларни сақлаб қолиш, бошқарув ва иқтисодиётда ислохотларни амалга ошириш учун чақириқ ҳамдир. Жамият ҳаётининг ахборотлашуви кучайиши миллий интеллектуал салоҳият ривожига шароит яратиб беради. Бу жамият аъзоларининг ахборот олиш имкониятларининг ошиши билан боғлиқ.

Ахборотлашган жамият атамаси XX асрнинг 60-йилларида Японияда пайдо бўлди, тахминан шу даврда бу атама АҚШда ҳам ишлатила бошланди. Ахборотлашган жамият назарияси М.Порат, **И.Масуда**, Р.Куртислар илмий изланишлари билан боғлиқ [1]. “Ахборотлашган жамият” назарияси фанда машҳур муаллифлар П.Дрюкер, Р.Кац, Дж.Кеш, **И.Масуда**, У.Мартин, Д.Несбит, А.Норман, М. Порат, М.Рубин, Т.Стоуньер, Э.Фридмен, М.Эрл ва бошқалар томонидан ёритилган. Ахборотлашган жамият назарияларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: постиндустриализм концепциясига хос назариялар (Белл, Турен), Тоффлернинг концептуал чизмалари (Учунчи тўлқин) ва Дарентрофнинг “Ишлаб чиқариш жамиятида синф ва синфий мажаролар”

ҳақидаги қарашлари. Бу муаллифлар ахборотлашган жамиятларни қайси томондан тадқиқ қилишидан қатъий назар, жамият ҳаётида илм-фаннинг таъсири кучайиши ва жамият интеллектуал салоҳияти ошиши масаласида яқдилдирлар.

Масалан, америкалик социолог Д.Беллнинг таъкидлашича, ахборотлашган жамият, аввало, маълумотлилик даражаси ва малакасига кўра, миллат элитасини шакллантирадиган жамиятдир.

Ўзбекистонлик тадқиқотчи Т.Э.Эргашев ҳам ахборотлашган жамиятга таъриф бера туриб, унинг хусусиятларидан бири сифатида ахборотлашув жараёнларининг натижаси “...оммавий ахборот воситалари томонидан ахборотнинг долзарблиги, тўлалиги, ҳаққонийлиги, тезкорлиги таъминланиши, натижада омма онгининг юксалиши ва инновацион тафаккури ўсишининг юзага келишидир” [2], - деб кўрсатади. Бу таърифда билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, жамият ахборотлашуви айниқса кейинги йилларда интернет тизимларининг ривожланиши ахборот олиш ва уни қайта ишлаш ҳамда узатиш имкониятларини оширди. Ахборот тарқатишни чеклашни имконсиз қилиб қўйди, “ахборот тифизлигини” вужудга келтирди. Айниқса таълим олиш имкониятларини кенгайтди, бу турли фанлардан онлайн дарслардан тортиб мутахассислик фанларигача мустақил ўрганиш имкониятларини оширди.

Ахборотлашган жамият атамаси кундалик ҳаётда одамлар юқори интенсивликдаги ахборот олиш технологияларидан фойдаланадиган жамият ва иқтисодиётни тавсифлаш учун ишлатилади. Ахборотлашган жамиятнинг вужудга келиши ахборот ва билимлар яратилиши, узатиш ва қабул қилинишига хизмат қилувчи бутун бошли техник ва технологик тизимларнинг барпо қилиниши билан боғлиқ. Бу интернет тизимлари сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистонда ҳам 2020 йилдан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси амалга оширилмоқда. Бу стратегия аҳолига интернет хизматларини ривожлантиришни ҳам қамраб олади. 2022 йил 14 декабрь ҳолатига кўра “Аҳолининг Интернет хизматидан фойдаланувчилари сони 31,0 млн.дан ортди. Шундан мобил Интернет фойдаланувчилари сони 29,5 млн.ни ташкил этади. Шунингдек, сўнгги икки йилда 22 300 та қўшимча таянч станциялари ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 54,0 мингтага етказилди. Республика бўйича мобил алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобил Интернет қамрови 98 фоизга етказилди” [3].

Ахборотлашган жамиятда ахборотнинг ишлаб чиқарувчи кучга айланиб фойда келтириш хусусияти одамларни янги технологиялар яратишга ва уни ишлаб чиқаришда қўллашга ундайди.

Ё.Масуда ўзининг “Ахборотлашган жамият постиндустриал жамият сифатида” номли китобида истиқболдаги жамият қурилишининг асосий тамойилларини қуйидагича изоҳлайди: янги жамиятнинг асоси компьютер технологияси бўлиб, унинг вазифаси инсон ақлий меҳнатини кучайтириш ёки ўрнини эгаллашдан иборат; ахборот инқилоби тезкорлик билан янги ишлаб чиқариш кучига айланади ва оммавий ишлаб чиқаришни конгнитив,

тизимлаштирилган ахборот, технологиялар ва билимлар бўлишига имкон яратади; “билиш чегараси” яширин ҳолдаги (потенциал) бозорга айланиб, муаммоларни ҳал этиш ва ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ортади; интеллектуал ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғига айланиб, маҳсулот тўпланади (аккумуляцияланади), тўпланган маълумотлар эса ноанъанавий ёндашувларни самарали қўллаш орқали тарқатилади”[4]. Бу жараёнлар бутун жамиятга интеллектуал салоҳиятни ошириш талабини қўяди ва уни рағбатлантиради. Жамият ҳаётининг барча соҳалари, жумладан ишлаб чиқаришнинг компьютерлашуви компьютер саводхонлигини талаб қилса, ахборот алмашинувининг бутун жаҳон тармоғи (интернет)нинг вужудга келиши ва оммавийлашуви хорижий тилларни (жумладан илмий ахборотларнинг 80%и тўпланган инглиз тилини) ўрганиш талабини оширмоқда. Ўз навбатида миллий тилларда, жумладан ўзбек тилида ахборотнинг кўпайиши ўзбек тилида таълим олиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Лекин интернет ахборот олиш имкониятини қанчалик оширган бўлса ҳам ўзбек тилида илм фан, техника соҳасидаги ахборотлар етарли эмас. Келажакда ўзбек тилидаги илмий маълумотларни кўпайтириш талаб этилади. Бунинг учун кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа илмий адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда янгиларини олимларимиз ёзиб, электрон ахборот ресурсларини бойитиш талаб этилади. Бу мустақил таълим олиш эҳтиёжининг ортиши, тайёрланаётган мутахассисларга қўйилаётган талаб билан боғлиқ. Чунки, инсоният цивилизациясининг ҳозирги даражасида илмий бўлиш фақат ҳаётий эҳтиёжлар ёки ишлаб чиқариш талаби эмас балки, имконият ва фаровонликка эришиш йўлидаги рағбатлантирувчи омил ҳам бўлиб хизмат қилмоқда. Фаровонликка интилиш инсонларни илмий бўлишга ундамоқда.

Ахборотлашган жамият капитализмнинг янги шакли ахборот капитализмини вужудга келтирди. Матнлар, чизмалар, расмлар, видео тасвирлар, IT дастурлари, кашфиётлар, лойиҳа ва ишланма кўринишидаги интеллектуал мулк шакллари даромад манбаига айланди. Айниқса автоматлашган техникалар ривожланиши ва уларни такомиллаштириш эҳтиёжи дастурлашни саноатнинг янги кучига айлантирди. Яъни ахборот асосида ишлайдиган техникалар – роботлар, автоматлашган техникаларнинг вужудга келиши ахборотни ишлаб чиқаришнинг бир қисмига – технологияга айлантирди. Дастурлаш ва дастурларни ўрнатиш ишларида янги касблар пайдо бўлди. Ахборот истеъмоли ахборот сотиб олинadиган ва сотиладиган ахборот бозорининг вужудга келишига олиб келди. Ва бу бозор жуда тез кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Бу бозор билим ва билимли мутахассисларга талабни оширмоқда. Масофавий иш, электрон тижорат тез ривожланмоқда.

Ҳар қандай жамият ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш усуллари, тенденцияларидан келиб чиқиб жамият аъзоларининг интеллектуал ривожланишига талаблар қўяди. Бу давлат сиёсати, бошқа халқлардан техника технологияларнинг ўзлаштирилиши, интеллектуал элитанинг илм фан соҳасида кашфиётларни амалга ошириши ва тадбиркорлар ҳамда бизнес эгалари томонидан янги технология ва инновацияларни амалиётга жорий қилиши билан

боғлиқ. Лекин ахборотлашув жараёнларининг глобал даражада юз бериши, миллий иқтисодиётларнинг жаҳон иқтисодиётига очилиб, ўта даражада боғланиб бораётган шароитда миллий интеллектуал салоҳият ривожланишини “бўғиб” ҳам қўйиши мумкин. Жамиятларнинг ривожланиши шу жамиятлар элиталарининг ишлаб чиқариш ва бошқарувда қандай усуллардан фойдаланаётганлиги ва уни қайси манбалардан олаётганлиги муҳим саналади. Агар жамият илм фан техника ютуқларини хориждан олса, илмий тадқиқотлар сусаяди. Чунки қилинаётган кашфиётнинг бозори қисқариб кетади. Давлат ва хусусий сектор маҳаллий интеллектуалларни қўллаб-қувватлаш ўрнига хорижий технологиялар, инновацияларнинг истеъмолчисига айланади. Хорижий компанияларнинг бойишига хизмат қилади, уларни рағбатлантиради. Миллий интеллектуалларда ҳам ижодкорлик, илмий ишланмаларни яратишга интилишдан кўра хорижий техник-технологик марказларга қарамлик, истеъмолчилик кайфияти кучаяди.

Ҳокимият электрон давлат хизматларини жорий қилиш орқали турли харажатларни қисқартириш, коррупция ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатларнинг олдини олиш билан бирга очиклик ва шаффофликни ҳам таъминламоқда. Бу бир томондан давлат хизматчиларининг компьютер технологияларида ишлаш малакасини ошириш талабини қўйса, иккинчи томондан аҳолининг ҳам янги технологиялардан фойдаланиш даражасини ошириш талабини қўймоқда. Ахборотлаштириш сиёсати давлат хизматларини қўрсатишни фуқаролар учун қулай қилиб, вақт ва маблағларни тежаш, ахборот ва билимларни тез ва осон олиш имкониятини тақдим қилмоқда. Электрон ҳукумат, электрон парламент, электрон мурожаатлар ҳокимият ва халқ алоқаларини мустаҳкамламоқда.

Ахборотлашган жамиятнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ОАВлари, жумладан интернет тизимининг ва ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши жамиятдаги шаффофлик ва очикликни кучайтирмоқда. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги кенгайиб, аҳолининг хабардорлик даражаси ортмоқда. Ҳокимият жамиятдаги муаммоларга эътибор қаратишга ва коррупцияга қарши курашиш ишларини жадаллаштиришга мажбур бўлмоқда. Айниқса интернет тизими таълим олиш манбаига айланди. Шахс ўз-ўзини ривожлантириши учун улкан имконият – масофавий ва мустақил таълим ривожига шароит яратиб бермоқда. Ўзбекистон глобал ахборот маконининг бир қисмига айланди.

Бугунги замон маданиятлар синтези ва интеграциясини кучайтирмоқда, халқлар бир бири ҳақида хабардор бўлмоқда, фан техника маълумотларини алмашмоқда. Бу жараёнларни мутахассислар турлича номлар билан атамоқдалар – ахборотлашган жамият, постиндустриал жамият, глобаллашув ва бошқалар. Моддий манфаатдорлик глобал ахборот маконини жуда тез ривожланишига хизмат қилмоқда. Миллий маҳсулотлар, ахборот маҳсулотлари дунё бўйлаб сотилиши, ахборот ва билимлар ошиши билан тавсифланади. Бу эса хорижий тилларни ўрганиш ёки сунъий интеллектдан таржимон сифатида фойдаланиш эҳтиёжининг ошишига хизмат қилиб, мулоқот тўсиқларининг

олиб ташланишига, дунёнинг турли халқлари вакиллари ўртасида алоқа ўрнатилишига олиб келди. “Бугунги кунда ахборотлашган жамият тушунчаси замонавий цивилизациянинг ривожланиш даражаси сифатида тушунилади” [5]. Ҳозирги босқичда алоқалар кучайиши натижасида локал цивилизациялар ўртасида ўзаро таъсир ортиб бормоқда. Келажақда ривожланаётган мамлакатларда яшаётган миллатларнинг менталитети, маданиятига кучли таъсир кўрсатади, уларда ўзгаришлар юз беради.

Албатта, ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг мулоқоти, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириши учун катта имкониятлар бермоқда. Ижобий жараёнлар билан биргаликда салбий ҳолатлар ва хавфлар вужудга келмоқда ва жамият ҳаётига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин, ижтимоий тармоқларда мулоқот кучайиб шахснинг реал ижтимоий муносабатлардан бегоналашуви кучайиши; ижтимоий тармоқлардаги мулоқот ва интернет тизими орқали ахборот алмашинуви одамларга ғоявий таъсир ўтказиши, уларни манипуляция қилиш, бошқариш имкониятини ошириши; кибер жиноятчилик, фирибгарлик ривожланиши; халқаро терроризм интернет тизими ва ижтимоий тармоқлар имкониятидан фойдаланиб сафларига янги тарафдорлар қўшиши ва ҳакозо. Тадқиқотчи Р.Ашуров “Энди саводсиз бўлишга ҳаққимиз йўқ. Тўртинчи саноат инқилоби: Ойнинг қоронғу томони” мақоласида шундай мулоҳазани билдиради: “...исталган хакер ёки дастурчи масофадан туриб шахсий ҳудудингизга кириши мумкин. Бу эса бизнес ва хавфсизлик борасида янги ўйинларга мослашишни талаб этади. Хавфсизликка нисбатан янгича қарашларни шакллантириш талаб қилинади. Энди кўчадаги безоридан кўра кўпроқ рақамли босқинчилар хавф уйғотади. Энди нафақат катта компаниялар, балки компаниянинг ишчиларидан ҳам хавфсизлик талабига жавоб бериш сўралади: биргина йўқотилган смартфон орқали у бошқарадиган ускуналар ва компанияларнинг бошқа ҳудудларига кириш имконини бегонага яратиб бериш мумкин. Хавфсизлик учун фақатгина дастурлар ёки ускуналар билан ҳимояланиш ярамайди. Энди хавфсизлик борасида компанияларга реал вақтда мониторинг қиладиган бўлимлар ва хавфсизлигини доимий такомиллаштирадиган лабораториялар керак бўлади” [6].

Ахборотлашган жамият ахборот олиш имкониятларни ошириш билан биргаликда ахборот олиш воситалари ва манбаларига қарамликни ҳам кучайтиради. Телевизор, компьютер, уяли телефон, калькулятор каби воситалар орқали сериаллар, компьютер ўйинлари, интернет тармоғига боғланиб олиш, оддий ҳисоб-китобларни ҳам калькуляторда бажарилиши ижодкорликни сусайтириб, техника ва технологияга қарамликни кучайтирмоқда, одамларни истеъмолчиларга айлантирмоқда. Бу ерда ёндашув икки йўналишда бўлиши мумкин: бир йўналишда бу техника ва технологиялар меҳнатни осонлаштириш, инсон интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилиши; иккинчи йўналиш инсонни аклий жиҳатдан қарам қилиши мумкин. Биринчисида техника ва технологияга восита сифатида қаралиши инсонга шу пайтгача берилмаган янги имкониятларни очади, инсонни техника ва технологиянинг ишлаб

чиқарувчисига айлантиради, иккинчи йўналишда одамлар вақт ўтказиш ва ҳордиқ олишда техника ва технологияга мақсад сифатида қараши кўзга ташланади ва бу инсонни ўзига қарам қилиб, истеъмолчига айлантиради. Ахборотлашган жамиятда “цивилизация касалликлари” деб номланган касалликлар – кўз касалликлари, остеохондроз, стресслар, рухий касалликлар кучайишига хизмат қилади.

Юқоридаги салбий ҳолатлар ва таҳдидлар, ахборот хавфсизлигини таъминлаш заруритини ҳам келтириб чиқармоқда. Бу хавфсизлик бола тарбиясидан тортиб, банк ҳисоб рақамлари хавфсизлигигача, шахс хавфсизлигидан давлат, жамият хавфсизлигигача қамраб олади. Бу ахборот олиш маданиятини ривожлантиришдан тортиб, хавфсизлик чораларини ишлаб чиқишгача бўлган ҳар бир шахснинг билимини оширишни талаб этади. Жамият тараққий этиб борар экан жамият аъзолари олдига ҳам жорий қилинаётган билим ва технологияларни ўзлаштириш талабини қўяди.

Маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган саноат жамиятидан фарқли равишда ахборотлашган жамиятда ақлий меҳнатдан фойдаланиш, билим асосида ишлаб чиқариш, даромад олиш юқори бўлади. Шунинг учун жамият аъзолари билимли бўлишга, таълим олишга интилади. Кишилардан касбий ижодкорликни, малака кўникмаларни, ахборот маконининг талабларига жавоб берадиган билимларни эгаллаш ва қайта ишлаш қобилиятини ривожлантириш талаб этилади. Бу эса таълим сифатига муносабатни тубдан ўзгартириш, юқори сифатли таълим муҳитини яратиш, таълимга ахборот технологияларини жорий қилиш талабларини қўяди. Таълимга ахборот технологияларини жорий қилиш таълим имкониятларини оширади, уни оммавийлаштиради ва ўрганувчи учун қулайлаштиради. Ўз навбатида оммавий компьютер фойдаланувчиларини етиштиради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ахборотлашган жамият ахборотлашуви миллий бойликни ортишига хизмат қилиши учун дастурий таъминот билан шуғулланувчилар, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўлланиладиган компьютерларни ярата оладиган мутахассисларни тайёрлашга маблағ йўналтириш талаб этилади. Агар ривожланаётган давлатлар ахборотлашган жамиятнинг бу талабини вақтида англаб этмаса, ривожланган давлатларга техник-технологик қарамликдан чиқиб кета олмайди. Катта эҳтимол билан ривожланишига жиддий салбий таъсир қилади, кўплаб маблағларни иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўлланиладиган компьютер ва дастурларни сотиб олишга сарфлашга мажбур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Porat M., Rubin M. The Information Economy: Development and Measurement. Wash., 1978. -274 p.; Masuda, Yoneji. The information society as post-industrial society. Editorial Fundesco, 1984. -327 p.; Curtiss, Andrew. 1984 Redix: Say Hello to Big Brother, USA, Author-House, 2011. -317 p.

2. Эргашев Т.Э. Ахборотлашган жамият шароитида ёшларни инновацион тафаккурини шакллантириш хусусиятлари. Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2021. –Б.11.
 3. O‘zbekistonda Internet xizmatidan foydalanuvchilari soni 31,0 mln.dan ortdi — Sherzod Shermatov. <https://yuz.uz/uz/news/ozbekistonda-internet-xizmatidan-foydalanuvchilari-soni-310-mlndan-ortdi--sherzod-shermatov>
 4. Masuda Y. The Information Society as Postindustrial Society. Wash.: Worl Future Soc., 1983. –P. 29.
 5. Волков С.Н. Социальные и философские проблемы информационного общества. –С-Пб., Лань, 2022. -112 с.
- Ashurov R. Endi savodsiz bo‘lishga haqqimiz yo‘q. To‘rtinchi sanoat inqilobi: Oyning qorong‘u tomoni. <https://m.daryo.uz/2019/11/17/endi-savodsiz-bolishga-haqqimiz-yoq-tortinchi-sanoat-inqilobi-oyning-qorongu-tomon/>

УДК:141.336

КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ-ЛОЙИХАЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ ПРОЕКТНО-ТВОРЧЕСКИХ НАВЫКОВ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБУЧЕНИЯ КОМПЬЮТЕРНОЙ ГРАФИКЕ

METHODOLOGY FOR DEVELOPING STUDENTS' CREATIVE SKILLS ON THE BASIS OF TEACHING COMPUTER GRAPHICS

Кодирова Ф.Т. (Наманган шарқ тиллари ва хизмат кўрсатиш техникуми)

Ижодий тафаккурнинг белгиси ички (субъектив ёки объектив равишда янги фикрлаш усули) ва ташқи (субъектив ёки объектив, шунингдек объективлашган, яъни моддий ёки идеал объектлар билан аниқ амалиётда лойиҳалаштирилган янги моддий объект) характер сифатида объектив ёки субъектив натижа ҳисобланади. Фикрлаш самарадорлиги унинг танқидий, аналитик ва таҳлилий каби фикрлаш шакллариининг ривожланишига боғлиқ, улар касбий компетенцияларни ривожлантиришдаги интеграцион жараён натижалари ҳисобланади.

Мақолада талабаларнинг ижодий-лойиҳалаш қобилиятларини ривожлантиришда таълимий-ижодий вазифалар, ижодкорликка ўргатиш, шахсининг касбий сифатларни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар. Тафаккур, лойиҳа, маҳсулдорлик, компетенция, интеграцион жараён, қобилият, сифат, фаолият.